300196

## СЎНГГИ СОАТДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

Республика Прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлди. Унда прокуратура идораларининг 1995 йилги иш фаолияти якунлари ва республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтириш масалалари билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинди.

* * *

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан Германиянинг машҳур «Интермед» фирмаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Институтнинг онкология ва ультратовуш диагностикаси кафедрасида диагностикага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар бу борадаги яна бир қадам бўлди. Унда ўзбек ва немис олимлари, ҳамда тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари иштирок этди.**

* * *

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси кўмагида «Замонавий шаҳарлар ва шаҳарликлар» мавзуида тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ўтказди. Унда мамлакатимизда ижод қилаётган йигирмадан кўпроқ рассомнинг қирққа яқин асари намойиш этилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 26 январда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.**

**Сотув ҳажми 30,32 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,20 сўм даражасида қайд этилди.**

***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида афғонистонлик бир гуруҳ адиблар билан учрашув бўлди. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов меҳмонларга республикамиз қалам аҳли мустақиллигимизнинг беш йиллиги ва буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

### ЖАҲОНДА

Польша Бош вазири Олекса ўз лавозимидан истеъфо берди. Уни собиқ СССР ва Россия хавфсизлик идоралари билан алоқа қилганликда айблаётганликлари туфайли шу қарорга келганлигини айтди.

* * *

**Колумбия собиқ мудофаа вазири Фернандо Ботеранинг таъкидлашича, Президент Эрнесто Сампер ўз сайловолди кампаниясида уни наркобизнес етакчилари молиявий қўллаб-қувватлаб турганини яхши билган. Мамлакат Президенти бу айбловни рад этди ва ўз лавозимидан истеъфога чиқмаслигини айтди.**

* * *

Чеченистонда Салмон Радуев бошлиқ Дудаев тарафдорлари гаровга олинган доғистонлик тинч аҳолини озод этди. Бу ҳақда Хасавюрт тумани маъмурияти бошлиғи А. Бексултонов хабар берди. 45 кишидан иборат гаровга олинганлар автобуси Чеченистон-Доғистон маъмурий чегарасидан ўтиб, Хасавюртга келибди.

* * *

**АҚШ Президенти Билл Клинтон конгресснинг ҳар икки палатаси ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишда «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида» нутқ сўзлади. У дунё ҳамжамиятида «совуқ уруш» тугагандан кейин мамлакат ташқи сиёсатда ижобий ютуқларга эришганини қайд этди.**

* * *

Тель-Авивда 25 ёшли экстремист Гигал Амир устидан суд жараёни қайтадан бошланди. Маълумки, у ўтган йил кузида Бош вазир Исҳоқ Рабинни отиб ўлдирганди.

**(ЎзА ва чет эл матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар жамоаси Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшгани ва ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришгани учун Навоий кон-металлургия комбинати Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 январь.

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 27 январь, шанба № 12 (21.933)

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 январь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) алоқа бўйича Марказий Осиёдаги бюроси раҳбари Алоис Резникни қабул қилди.

— Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг жаҳон ҳамжамияти ҳаётидаги ўрни ва обрўси тобора ошиб бормоқда, — деди Президент Ислом Каримов. — Айниқса, ЕХҲТ билан Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлмоқда. ЕХҲТ минтақавий бюросининг Тошкентда очилиши ҳам ушбу нуфузли ташкилотнинг Ўзбекистонга бўлган ишончини намоён этди.

— Мамлакатимиз раҳбари ўтган 1995 йилда ЕХҲТ билан минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экология ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда талай ютуқларга эришилганини қайд этиб, бунда Алоис Резник раҳбарлигидаги минтақавий бюронинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлади.

Алоис Резник ЕХҲТ бундан буён ҳам Ўзбекистон билан турли йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ниятида эканини айтди.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янада равнақ топтириш, Тошкентда инсон ҳуқуқлари, гиёҳвандликка қарши кураш каби бир неча соҳаларда ЕХҲТ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида турли халқаро семинарлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА)**



*СУРАТДА: қабул пайти.* Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

## КОНЧИЛИК САНОАТИНИНГ ПАҲЛАВОНИ

Навоий кон-металлургия комбинати Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги ҳақидаги Фармон кўпминг кишилик жамоа томонидан шодухуррамлик билан кутиб олинди. Марказий Қизилқум заминидаги бойликларни халқ хизматига сафарбар этишдек улуғвор вазифаларни уддалаётган комбинатга ҳозирги пайтда қамрови ва маҳсулот миқдори жиҳатидан тенг келадиган бошқа бирор корхона ҳамдўстлик давлатларида йўқ. Биз уран қазиб олиш бўйича Ўзбекистон дунёда бешта давлатдан бири эканлиги билан фахрланамиз. АҚШнинг «Олтин глобус» мукофотини ҳам комбинат кончиларининг заҳматли меҳнатига берилган катта баҳодай дейиш мумкин.

Кон-металлургия корхонаси янги уфқларни кўзламоқда. У Россия, Қозоғистон, Украинадаги турдош корхоналар билан биргаликда янги ташкил этилган «Атомредмедзолото» концернига ҳаммуассис бўлди.

Паҳлавон корхона қамровини тасаввур этиш учун қуйидаги жиҳатларни айтишимиз кифоя. Кон-металлургия комбинати бўлинмалари Ўзбекистоннинг Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида жойлашган. Ишлаб чиқариш қувватларидан ташқари корхона тасарруфида Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нурота, Зафаробод каби масканларда бутун-бутун микрорайонлар, йирик ижтимоий-маданий ва маиший комплекслар, 50 та болалар боғчаси, техникум, иккита ўқув пункти, учта ҳунар-техника билим юрти, «Дўстлик» давлат хўжалиги, 6 та ёрдамчи хўжалик, «Металлург» муолажагоҳи, «Тоғ ҳавоси» оромгоҳи ва кўплаб соғломлаштириш масканлари мавжуд.

— Бизга берилган мукофот янада янги марраларни кўзлаб ишлашимизга илҳомбахш омилдир, — дейди комбинат бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Николай Кучерский табригимизни қабул қилар экан, — Ўзбекистон заминидаги нодир металлар истиқлолимизга хизмат қилаверади.

*Иқтисодиёт олами*

### САКСОН ФОИЗИ ЎЗИМИЗНИНГ ХОМ АШЁ

Тўйтепа шаҳрида жорий йилда яна бир қўшма корхона қад кўтаради. Жанубий Кореянинг «Кабултекстайлз» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этиладиган ушбу корхона йилига 17 минг тонна ип калаваси ва 12 миллион метр мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Узсаламан» қўшма корхонаси технологик қувватлари ошиши муносабати билан эса Тошкент вилоятида ҳам унинг филиаллари ишлай бошлайди. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида шу йилнинг ўзида болалар пойабзали ишлаб чиқарадиган корхонага асос солинади.

Вилоятда 600 минг дона терини қайта ишлайдиган корхона қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Қувончлиси, маҳсулотнинг 80 фоизи ўзимизнинг хом ашёдан тайёрланади.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

### ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

**БУХОРО. Ромитан туманидаги «Оқолтин» ҳиссадорлик жамияти жамоаси харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўшни туркманистонликлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу боис бу ерда нотўқима мато ишлаб чиқарадиган цех ишлай бошлади.**

**Иккала томоннинг келишувига мувофиқ цехнинг замонавий ускуна ва жиҳозларини туркманистонлик ҳамкасблар етказиб беришди. Цех тўлиқ ишга тушгач, бир сменада 250 метргача сифатли газлама ишлаб чиқарилади.**

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ДАРОМАД УЧ ҲИССАГА ОШАДИ

Жиззах шаҳридаги «Жиззах» ширкат хўжалигида бу йил 3 миллион дона шартли банка тайёрлайдиган консерва заводи фаолият кўрсатади. Бу корхона хўжаликда етиштирилаётган лимон, сабзавотни қадоқлаб, катта иқтисодий самара олади. Шунингдек, тегирмон, тикув цехи қурилиб, хўжалик хом ашёси асосида маҳсулот чиқара бошлайди.

— Ўтган йили 3,5 миллион сўм даромад олган эдик, — дейди хўжалик раҳбари Зайниддин Эшонқулов — юз тонна лимон, 850 тонна ғалла ҳамда режадаги сабзавот олинди. Ҳозир шаҳар аҳолисини резавор маҳсулотлар билан тўлиқ таъминламоқдамиз. Агар маҳсулотларни ўз ҳудудимизда қайта ишлашни йўлга қўйсак, хўжалигимиз 2-3 ҳисса кўп фойда олади. Бу республикамиз мустақиллигига хизмат қилади.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ.**

*Иқтисодиёт олами*

*Тадбиркорлик*

### ҚИШЛОҚДА МАШИНА БОЗОРИ

***ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Тадбиркор йигит Жобберган Ёқубовнинг ташаббуси билан Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номли жамоа хўжалиги ҳудудида енгил машиналар бозори барпо қилинди.***

**Бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулайликлар яратилган. Олувчи ҳам сотувчи ҳам овора бўлиб юрмай, шу ернинг ўзида ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини амалга оширишади. Шунингдек, бозорда эҳтиёт қисмлар савдосини ташкил этиш, одамларга маиший, машиналарга эса техник хизмат кўрсатиш юмушларини йўлга қўйиш ҳам мўлжалланган.**

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**

*Сўз — пленум қатнашчиларига*

## ОЛДИНГИ САФЛАРДА БЎЛАЙЛИК

***Бугун Тошкентда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XV пленуми ўз ишини бошлайди. Пленумда мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинади. Мухбиримиз бир гуруҳ пленум қатнашчиларига «Анжуман олдидан кўнглингиздан қандай ўй-хаёллар кечаяпти?» деган савол билан мурожаат этди.***

**Мансур ЗОИРОВ, Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи муовини:** — Юртбошимиз қайси бир йиғинда бўлмасин, раҳбарларимизни давр талаблари асосида ишлашга даъват этаяпти. Шунга жавобан ҳар бир ХДП аъзосининг олдинги сафда бўлишини истар эдим.

Яна бир гап. Мамлакатимиз ғалла ва нефть мустақиллигига эришиш арафасида. Бу тушунарли. Аммо, назаримда, чорвага эътиборни ҳам кучайтириш керак. Негаки, кейинги пайтда зотдор чорва молларнинг туёқ сони камайиб кетмоқда. Бу гўшт ва сут маҳсулотларининг нархи кўтарилишига олиб келади.

Пленум ҳар биримизга мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги аниқ вазифаларни белгилаб беради, бу борада керакли ҳужжатларни қабул қилади, деб ўйлайман.

**Убайдулла МАҲМУДОВ, Бухоро вилояти, Пешку туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги раиси:** — Ўтган йили хўжалигимиз учун муаффақиятли келди. 2844 тонна ўрнига 2900 тонна «оқ олтин» етиштириб, ҳосилдорликни 32 центнерга етказдик. Албатта, партиядошларимиз намуна кўрсатишди. Тумандаги энг кўп, яъни 158 нафар ХДП аъзоси бизнинг хўжалигимизда фаолият кўрсатяпти. Ёш кадрларимизга нисбатан эътибор кучаймоқда. Бу борада ХДП туман кенгашидан миннатдормиз.

**Даврон ВОҲИДОВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгаши биринчи котиби:** — Ўйлайманки, пленум қатнашчилари кун тартибидаги масалаларга катта эътибор билан қарашади. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлаш — мамлакатимиз тараққиётининг гаровидир.

Партиядошларимизнинг кўпроқ халқ ичига кириб бориши кўппартиялилик шароитида ютуқлар кўламини кенгайтиради. Бугунги анжуманнинг муваффақиятли, сермазмун мулоҳазаларга бой бўлишига ишончим комил.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ ёзиб олди.**

*Мулоҳаза*

## ТОМОШАБИНЛИК БАЛОСИ

Кеча эрталаб уйимизнинг эшиги таққиллади. Очдим. Ўттизларни қоралаган йигит сўради: «Кабелли телевидение ўтказмайсизми?» «Нималарни томоша қиламан?» «Зўр кинолар берамиз-да, ака, бор-йўғи 200 сўм». Бош чайқадим: «Керакмас». У кулимсираб бош бармоғини кўрсатиб, яна қўшиб қўйди: «Янги-янги эркакча, асл фильмлар ҳам кўп, пулингизга куймайсиз.» «Йўқ, раҳмат» дея хайрлашдим...

Ишхонага келиб, газеталарни варақлайман. «Труд»нинг 24 январь сони. Хитойда видеопорнографияга қарши бошланган янги «уруш» ҳақидаги мақолани ўқийман: «Жэньмин Жибао» газетасининг хабар беришича, Жанубий Шаньчжэнь шаҳридаги видеосалон ва китоб дўконларида ўтказилган бир текширувнинг ўзида 460 минг нусхадаги энг даҳшатли воқеа-ҳолатлар акс этган нашрлар ва видеоматериаллар тортиб олинди. Бундай «маънавий юриш» натижаси ўлароқ, Пекин ҳукумати 1 январдан бошлаб барча видеосалонлар фаолиятини тўхтатиб, видеоаппаратуралар билан жиҳозланган кўнгилочар жойлардаги «ахлоқий тозалик»ни текшира бошлади...»

Изоҳга ҳожат йўқ. Барибир ўйланиб қолдим. Ўзимизда-чи? Бугун Ўзбекистонда одамларнинг маънавий дунёси қай даражада? Телеэкран ва видеосалонлар орқали гоҳида нималарни тарғиб қилаяпмиз? Бу саволлар ортида қанча муаммолар турганини бир тасаввур қилайлик.

Энди кечаги кун билан яшаб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат. Мустақиллигимизнинг бешинчи йилига қараб кетяпмиз. Халқаро алоқаларимиз кўлами кенгайиб бораётир. Ўзбекистон, десалар энди ҳар жиҳатдан юксалиш ва тараққиёт босқичига кўтарилаётган мамлакат тушунилаётган бир замонда сир эмаски, маънавиятимизда баъзан оқсашлик сезилиб қолмоқда.

Йўқ, мен республикамизнинг ҳар бир вилоят ва шаҳарларида телевидение ҳамда телестудиялар очилишига қарши эмасман. Бу ҳам яхши. Лекин уларнинг фаолияти бугунги кун талабига жавоб беради деб айтолмаймиз. Фақат ёвузликка чорловчи ёки «ур-сур», сийқа севгиларни тарғиб қилувчи фильмларни намойиш этиш билан юртдошларимизга қандай маънавий озуқа берамиз? Бу аҳволда Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг обрўси нима бўлади?

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни тан олайлик. Кечагина хоразмлик ҳамкасбим Рўзимбой Ҳасан куйиниб гапирди: «Ишонасизларми, биз тарафларда Ўзбекистон телевидениесини вилоятнинг маълум қисми кўрмаётир. Нега дерсиз? Бир томондан зерикарли, қуруқ ва енгил-елпи кўрсатувлар томошабинларни бездиряпти. Иккинчи жиҳати, вилоят телевидениеси дастурларида ранг-баранг томошалар кўп. Тасаввур қилинг, бу аҳволда яна уч-тўрт йилдан кейин биз нимани кўрамиз?»

Водий тарафларда телевидение ва томошабин муносабатларининг аҳволи нечоғли ачинарли эканлигини яқиндагина газетамизда ёритдик.

Энди мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги минг-минглаб видеосалонлар фаолиятини тарозуга қўяйлик. Тўғри, аввалгидан кўра уларнинг мижозлари кескин камайди. Чунки ҳозир кўпчилик хонадонларда видеоаппаратуралар бор. Шунингдек, ўзига тўқроқ оилалар сунъий йўлдошлар орқали бемалол дунёнинг ярим мамлакатлари телевидениеси кўрсатувларини томоша қиляпти. Бунинг устига маҳаллий телестудиялар ҳам жойлардаги видеосалонлар ризқини яримта қилиб қўйди. Бизларки, атрофимизда содир бўлаётган бундай ҳолатларга бефарқ қараётган эканмиз, бугун ёнгинамизда бемалол турли хил фильмларни тушуниб-тушунмай кўриб ўтирган болаларимизнинг руҳий дунёси не кечади?

...Кеча ана шундай дилгир мулоҳазалар гирдобида уйга қайтдим. Телевизор орқали Америкадан келган бир хабарни айтишди. АҚШ Президенти одамларни ёвузлик, беҳаёлик ва зўравонликка чорловчи фильмларни намойиш этишни таъқиқлашга қарор қилибди. Бизлар ҳам энди шарқликларга хос бўлган инсоний қадр-қимматларимиз баҳосини ўлчаб кўрайлик, азизлар!

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.**

### БУГУНГИ СОНДА:

**2-бет**

Мухбир Олимжон УСАНОВ:
***«Собир Саъдуллаев айрим суғориладиган майдонларда экилган зироатдан ўша ерга сепилган уруғ даражасида ҳосил олинмаганида деҳқону мутахассис айбдор эмаслигига ишонтирмоқчи бўлди».***

**3-бет**

Журналист Ориф ФАРМОН:
***«Нега ишбилармонларимиз чиқитлардан фойдаланувчи фирмалар ташкил этишга шошилмаяптилар?»***

**4-бет**

Судья Абдураҳмон КАРИМОВ:
***«Одамлар суд маҳкамасини фақат қоралайдиган, жазолайдиган идора деб эмас, балки халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, тарбиялайдиган маскан деб билишлари керак».***

*Партия ахбороти* — *Партия ахбороти*

## ОҒЗАКИ АРИЗА

Жиззах пайпоқ тўқув корхонасининг ЎзХДП бошланғич ташкилоти йиғилиши сўнггида раислик қилувчи залдагиларга қараб деди:

— Саволлар, таклиф-мулоҳазалар бўлса, марҳамат!

Охирги ўриндиқда ўтирган қиз ўрнидан турди-да, рухсат сўради.

— Мен 1-цех ишчиси Ойдин Комилова бўламан, — деди у. — Корхонага ишга келганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ... «Яхши биламиз... танимиз» деган сўзлар эшитилди атрофдан. Қиз бироз довдираб турғач, гапини давом эттирди:

— Корхонамиздаги ХДП аъзоларининг ҳаммаси ўта куюнчак, меҳнаткаш одамлар. Уларга ҳавас қиламан. Мени ҳам партия аъзолигига қабул қилишларингизни сўрайман.

Ҳамма қарсак чалди. Йиғилишда қатнашаётган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, республика Олий Мажлиси депутати Абдулҳафиз Жалолов «Оғзаки ариза-энг қатъий аризадир, қизимизни партиямизга муносиб деб билсанглар, илтимосини қондирайлик» деганда ҳамма хурсанд бўлди. «Ойдиной яхши қиз, партияга лойиқ», дейишди залда ўтирганлар.

Орадан кўп кун ўтгани йўқ — Ойдин Комилова партия сафига қабул қилинди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОТАЛИҚДАГИ ҚУРИЛИШЛАР

**Оҳангарон шаҳри кейинги йилларда янги қурилишлар ҳисобига янада чирой очиб боряпти. Футбол ўйингоҳи, болалар дам олиш маскани ва истироҳат боғи, фавворалар майдони, умумий овқатланиш шахобчалари, «Иссиқ нон» корхонаси ҳамда ўнлаб маданий-маиший хизмат бинолари қад ростлади.**

**Айни пайтда «Деҳқон бозори» ҳудудида эски иморатларни таъмирлаш, янги бинолар қуриш, бозорнинг кириш қисмини ободонлаштириб, шаҳарнинг умумий меъморчилик талабларига мослаштириш ишлари олиб борилмоқда. Унинг ён-атрофида эса деҳқон ва харидорларга қулайлик туғдирадиган бир неча бино барпо этилади. Ушбу юмушлар Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши дастурига асосан ҳокимлик билан ҳамкорликда амалга оширилаётир. Қурилиш ва ободончилик масалаларини ҳам шаҳар кенгаши ўз оталиғига олган.**

**Шунингдек, партия кенгаши «Энг яхши маҳалла» деган ном учун кўрик-танлов ўтказди. Мақсад — маҳаллаларда тарбиявий, оммавий ва ташкилий ишларни ривожлантириш, партия аъзоларининг фаоллигини ошириш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал қилишдан иборат.**

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ТУБ ЎЗГАРИШ САРИ

Пешку туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги раҳбарлари ўтган йил якунларидан мамнун. Хўжаликда ер ўз эгасини топгач, пахта ҳосилдорлиги 35 центнердан ошди. Дон ва бошқа соҳаларда ҳам қувончли натижаларга эришилди.

— Энг қувончлиси, барча ХДП аъзолари бошқаларга намуна кўрсатяптилар, — дейди хўжалик партия ташкилоти котиби Бозоржон Тоҳиров. — Ҳисобимизда 88 нафар аъзо бор. Айниқса, 8-бригада бошлиғи Ҳаким Зойиров қўл остидагиларга меҳрибон, ерни қадрлайди, деҳқончилик илмини пухта эгаллаган. У бошлиқ бригада бу йил 85 гектар ердан 291 тонна ўрнига 313 тонна «оқ олтин» етиштириб, гектаридан 36,9 центнердан етказиб хирмон кўтарди.

«Миришкор» ҳиссадорлик жамиятидаги қолоқлик кўпчиликни ташвишга солди. Чорва маҳсулотлари камайди. Чорвадорлар ўртасида меҳнат интизоми бўшашди. Партия ташкилоти бу ердаги аҳвол билан танишиб чиқди. Ферма жамоаси билан келишган ҳолда жамият раислигига ишчан партия аъзоси Баҳриддин Раҳматовни тайинлади. Натижада қисқа муддат ичида ўзгаришлар кўзга ташланди.

Хўжалик партия ташкилотининг фаоллари ва жонкуяр аъзоларидан Жумабой Шарипов, Неъмат Жўраев, Маҳмуд Раҳмонов, Шоҳназар Хўжаев, Раҳимбой Тўқсоновларнинг бевосита ғайрат-шижоати билан барча қишлоқлар, хонадонлар тўла газлаштирилди. Мактаб, боғча, маиший хизмат соҳаларида ишлар анча яхшиланди.

**Собиржон ҚОДИРОВ.**

## ЯНГИ АЪЗОЛАР

**Тойлоқ туман партия кенгашининг кўпгина бошланғич ташкилотларида аъзолар сони кўпаймоқда. Тумандаги озиқ-овқат маҳсулотлари корхонаси, якка тартибда уй-жой қуриш бирлашмаси, суғурта идораси, юқумли касалликлар шифохонаси ишчи-ходимларидан 25 нафарига тантанали равишда аъзолик билетлари топширилди.**

**Янги партиядошлар Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда халқ орасида партиямиз обрўсини янада ошириш учун ҳаракат қилажакларини таъкидладилар.**

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Нурота туманидаги «Нурота», «Ғозғон» мармар конлари маҳсулотлари жаҳонга машҳурлигини ҳамма билади. Мармарнинг сержилолиги, тошнинг пишиқлиги ва арзонлиги шу соҳа мутахассисларини лол қолдирмоқда.**

**Тумандаги «Баҳрий» фирмаси хусусийлаштирилганига бор-йўғи бир йил бўлди. Шу вақт ичида олти миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Даромадга яраша буромад, деганларидек келган фойда ҳисобидан аҳолига газ, ичимлик суви ўтказиб берилди.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Фирма раҳбари Баҳриддин Муҳиддинов, цех бошлиғи Насриддин Муҳиддинов. 2. Илғор ишчи Абдусалом Йўлдошев.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**



*Муносабат*

# ГАП ФАҚАТ ҚОНУННИ БИЛИШДАМИ?

***ёки ҳуқуқ ва ўқув юртлари хусусида сўз***

Таълим ва ҳуқуқ бир-бири билан чамбарчас боғланган ижтимоий жараён. Уларни айрича тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқ ўз моҳияти билан ўқув юртларимиз фаолиятини қонун асосида тартибга солишда асосий восита. Фақат ўқув юртларида ҳамма вақт ҳам ўз ўрнида ишлатилмайди. Бу эса носоғлом кайфиятни юзага келтирмоқда. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, бугунги кунда ўқув юртлари ҳақидаги кўпчилик ҳужжатлар янги замон руҳи ва давр талабларидан ортда қолмоқда. Мавжуд қарорлар, бошқа ҳуқуқий актлар ҳам бозор муносабатлари, давлатимизнинг охирги ҳуқуқий-молиявий ўзгаришларининг кўплаб жиҳатлари ҳисобга олинмасдан, тарқоқ, ярим-ёрти асосда қабул қилинмоқда. Худди шу боис ҳам институтларнинг ҳуқуқий тартиботини янгича шароит асосида қайта кўриб, ўқув юртлари ҳақида қонун ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши ўта долзарб масаладир.

Хўш, ўқув юртлари ҳақидаги қонун қандай бўлиши керак? Фикримизча, бу қонунда ўқув юртларининг бугунги ва келажак ҳуқуқий манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим. Қонун ҳар бир талаба ва ўқитувчини юридик жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг маънавий камолотга эришишига қаратилган кенг кўламли фаолиятини тартибга солиш, қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатлар заминида қурилиши керак. Бошқача айтганда, бу қонун ўқув юртлари фаолиятига бағишлаб давлат чиқарадиган бошқа барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг энг асосийси ҳисобланиши керак.

Иккинчидан, ўқув юртларида ҳақиқий демократияни амалга оширмоқчи эканмиз, унда қонун билан профессор-ўқитувчиларга ўқитувчи ҳуқуқи берилиши лозим.

Учинчидан, бугунги кунда бозор иқтисодиёти таълим-тарбия масканларида таҳсил берувчиларнинг ақл-заковатини, билим ва малакасини, истеъдодини намоён этишга ундовчи янги меҳнат шартлари, меҳнатни ташкил қилишнинг янгича ҳуқуқий нормаларини қарор топтиришни тақозо қилмоқда. Ўқув юртларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларнинг мансаб -маошлари миқдори ходимларнинг эгаллаб турган лавозими, унинг илмий унвони билан боғлиқ бўлмоқда. Фикримизча, ҳар бир ўқув юртидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи тафовутланган бўлиши, қобилиятига яраша белгиланиши, ўз навбатида индексацияланиши лозим. Меҳнат ҳақининг кафолатланган минимал миқдори белгиланиб, улар оладиган иш ҳақининг юқори даражасини чегараламаслик керак. Бунинг учун бугунги кунда мавжуд ягона тариф асосида ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб, ходимларнинг меҳнат кучи қийматини эътиборга олиш асосида мояна тўлаш ва зиёлилардан олинадиган солиқлар миқдори, турларини ҳам қайта кўриб, ўқув юртларида бюджетдан ташқари келаётган маблағларни билим масканларининг моддий-техника базасини яхшилаш билан бирга профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадига сарф қилинадиган ҳуқуқий-меъёрларни яратишимиз керак. Шунингдек, институтларни маблағ билан таъминлаш давлат бюджетидан бўлишини ҳисобга олиб, барча турдаги корхона ва ташкилотларнинг оталиқ ёрдамини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аввало институтларнинг таълим-тарбия базасини мустаҳкамлашга сарфлаган маблағлари миқдоридан келгусида даромад солиғи олинмаса тўғри бўларди. Қолаверса, ўқув юртлари эҳтиёжига қараб ёрдам кўрсатган ташкилотлар учун солиқда имтиёз бериш ҳам қонунда ўз ифодасини топса яхши бўларди. Биз бу фикрларни умумжаҳон амалиётига асосланиб айтяпмиз.

Тўртинчидан, ўқув юртлари фаолиятини фармойиш ҳужжатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бизнингча бугунги кунда тайёрланаётган буйруқлар мазмуни амалдаги қонунларга мувофиқ келмайди. Кўп ҳолларда буйруқ лойиҳасини тайёрлаётган шахсларда ҳуқуқий саводхонлик маданиятининг етарли эмаслиги кўзга ташланади. Жумладан, ўқув юртларининг бирида ўқитувчини институтдан бошқа иш жойига ўтказиш учун тўртта буйруқ чиқаришга тўғри келган. Бу буйруқларнинг барчаси мазмун моҳияти, ҳатто сўз тузилмаларининг тузилиши билан ҳам ҳуқуқ нормаларига жавоб бермайди. Қизиғи шундаки, мазкур буйруқларнинг «қонуний» эканлигини ўқув юрти адлия маслаҳатчиси ва кадрлар бўлими бошлиғи ўз имзолари билан далолатлаган.

Бешинчидан, ўқув юртлари фаолиятида қонунчиликни таъминлашда ректорат бош восита ҳисобланади. У таълим-тарбия жараёнини қайси асосда бошласа, таълим масканларининг иш мазмуни ҳам шундай бўлади. Бу борада улуғ бобокалонимиз Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида: «Амалдор бўлиш роҳат-фароғат эмас, меҳнат ва машаққатдир», деган сўзлари диққатга сазовордир. Зеро, ректорат ходимлари таълим ва ҳуқуқ жараёнида бўлаётган ўзгаришлар, ўқув юртлари ҳаётига кириб келаётган янги илмий ғоялардан воқиф бўлишлари даркор. Улар ўқув юртлари ҳақидаги ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишини фақат ўқитувчилардан, қолаверса, талабалардан талаб қилиш билан чекланмасдан, шахсан ўзлари қонунга бўйсунишларида намуна бўлишлари лозим. Айни пайтда ректорат ходимлари олий ўқув юртларидаги ҳуқуқ-тартибот ишлари учун ўзлари масъул эканини теран ҳис этишсин. Бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчи, талабаларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг меҳнат қилиш, ижод ва турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш ректоратнинг жонажон бурчи бўлмоғи лозим.

Эътироф этиш керакки, бугунги кунда ватанимиздаги кўпчилик ўқув юртларининг раҳбарлари эгаллаган лавозимларга эътиқод қўйиб, малакали мутахассисларни камол топтиришдан бўлак мақсади йўқлигини халқимизга намойиш қилмоқда.

Умуман, ўқув юртлари ҳақидаги қонун қабул қилиниб, у асосда олий ўқув юртлари фаолиятида қонунчилик ишлари мустаҳкамланиб, талаба, профессор-ўқитувчиларнинг билими, маданияти оширилиб, улар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чуқур англаб иш тутсалар зиёлилар ватанимизда адолатли демократик давлат қуриш ишида кўмакдош бўлишади, деб ўйлаймиз.

**Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг бошқарув ва маданият иқтисодиёти кафедрасининг мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.**

***Мамлакат дон мустақиллиги йўлида***

# РИЗҚИМ БУТУН БЎЛСИН ДЕСАНГ...

Дунёда энг ширин таом — нон. Нонни қораю оқ, қаттиғу юмшоқ, нордону ширин, навларга ажратиш расм эмас. Дастурхонинг бўлсин-нонга тўлиб турсин. Тошкентча кулча, самарқандча бўрсилдоқ нон, сурхондарёча қатлама патир, сутли жиззали кулча, чўпонча қотирма кулча, қаймоғи седанали оби нон...

Яхшини кўрмоқ, яхши ишга эргашмоқ фазилатдан. Яширмоқдан нима наф. Масалан, Самарқанд нонига сурхондарёликлар ҳавас қилишади. Ҳатто, шундай нон тайёрлашга тақлид қилишади. Шу ҳавас туртки бўлибми, кейинги икки йил ичида вилоятнинг тўрт-беш шаҳрида «Иссиқ нон» цехлари ишга туширилди. Айрим цехларда 10-12 хил нон маҳсулотини тайёрлашга эришилмоқда. Нон-тегирмондан, дейдилар. Хамирни қоришу тандирни қанақа қилиб қизитишни ҳам билиш керак. Лекин...

Шўрчи дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти тегирмончилари ноннинг бўрсилдоқ, кўркам, хуштаъм бўлишини таъминловчи бир ибратли тажрибага қўл урди: буғдойни тортишдан олдин уни 70-80 даражада қизитилган сув билан ювиш усулини қўллай бошлади.

— Буғдойдан мулойим, қаймоқдай ун чиқмоғи учун унинг ўзагида (индоспермида) маълум даражада намлик бўлмоғи керак, — дейди жамият директори Эркин Қурбонов. — Биласизки, Сурхондарёнинг иқлими — қуруқ. Иссиқлик баланд. Бундай шароитда пишган буғдой индоспермидаги намлик 7-8 фоизга тушиб кетади. Натижада тегирмондан ун дағалроқ бўлиб чиқади. Агар буғдой тегирмонга тортилишдан аввал иссиқ сув билан ювилса, индоспермнинг намлиги керакли даражада ортади. Яхши янчилади. Ун худди қуритилган қаймоқдай бўлиб қолади.

— Шу тартибда ишланган буғдойдан ун чиқиш даражаси ҳам юқори бўлар экан, — дейди лаборатория мудири Венера Галиева. — Иккинчидан, буғдойнинг янчилиши — тортилиши осонлашгани учун электр қуввати ўн фоизга тежаляпти. Ҳаммасидан зўри — нон яхши бўлади: оппоқ, ялтиллаган, бўрсилдоқ...

— Демак бизда ҳам самарқандча нон пишириладиган бўпти-да, — деб сўрайман ундан.

— Қийиндир-ов, — деди вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси бош технологи Зариф Каримов. — Масаллиқ, технологиядан ташқари иқлим, ҳавонинг намлик даражаси ўз таъсирини ўтказади. Ахир, сурхондарёча тандир кабобни фақат Сурхондарёда тайёрлаш мумкин, дейишади-ку. Нон ҳам...

Орадан кўп ўтмай Денов автотранспорт корхонаси директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Комилжон Сапиев билан шу мавзуда суҳбатлашдим. Комилжондиди баландлардан. У бошлиқ бўлган корхонанинг уч гектарлик ҳовлиси қанақа безоғлиқ эканини кўрсангиз. 200 та машина кириб-чиқадиган ҳовлида бемаврид тўкилган мой доғини кўрмаймиз. Шохбекатнинг, автобусларнинг саранжом — саришталиги... Корхонага керакли барча машиналарнинг рулида гўё Сапиевнинг ўзи ўтиргандай унинг таъсири одамларга шундай билинади. Комилжон дастурхонга оби нон қўйди. Бўрсилдоқ нон. Ўзи қурган тандирда ёпилган. Энди иссиқ нон цехини очмоқчи. Нон ёпишда энди кимнинг қўли баланд келар экан. Автомобилчиларнингми, ё...

Яна бир гап. Оби бўлсин, қотирма бўлсин — нон мўл бўлсин. Яъники, ғалла мўл бўлсин. Ғаллани мўл қилиш учун сурхондарёликлар ўтган йили бир қатор яхши ишларни қилишди. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг биринчи муовини Собир Саъдуллаев 1995 йил Сурхондарёда 1994 йилгидан икки баробар кўп ғалла етиштирилганини қаноат билан таъкидлади. Бир қатор бригадирлар гектаридан 50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар. Ўрим-йиғим мавсумида мисли кўрилмаган сафарбарлик кўзга ташланди. Уруғчилик соҳасига эътибор кучайтирилмоқда. Бу ишлар — яхши.

Лекин Денов ва Олтинсойдан бўлак қолган 11 та туманда ғалла тайёрлаш режаси бажарилмаганлигини изоҳлаш кўпларнинг бошини қотирмоқда. Собир Саъдуллаев соҳага тааллуқли камчиликларни, салбий кўринишларни ҳам ижобий оҳанглар билан шарҳлашни эплайдиган одам. Айрим суғориладиган майдонларда экилган зироатдан ўша ерга сепилган уруғ даражасида ҳосил олинмаганида деҳқону мутахассис айбдор эмаслигига ишонтирмоқчи бўлди. Айни пайтда уруғ танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилгани, суғориш, озиқлантириш меъёрида бўлмагани, кўпгина жамоалар ҳатто, ғаллани биринчи бор экаётгандай, илк бор кўраётгандай — хотиржамликка, ўзибўларчиликка берилгани оқибатида ҳосилдорликнинг мўлжалдагидан 7-8 центнерга кам бўлиб қолганини тан олди. Шоядки, бу йил бу сўнгги пушаймон тузатилса, ҳосилдорликни ҳамон ўн бешу йигирма центнердан нарига ўтказа олмай турган ғаллакорлар ҳам тегирмончилар, новвойлар сингари изланишларга, ташаббусларга юз тутишса!? Ахир куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида айтилган фикрлардан сурхондарёликлар ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари керак-ку!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## СУВ ВА ГАЗДАН ТЕЖАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида сув ва газ ҳисобини йўлга қўйиш ускуналарини ишлаб чиқариш ҳамда жорий этишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда республика ҳукуматининг ёнилғи-энергетика манбаларидан унумли фойдаланиш — ичимлик суви ва табиий газни тежамкорлик билан ишлатиш борасидаги талабларини бажаришни янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Бу анжуман «Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси томонидан уюштирилди.

Республика коммунал хизмати мутахассислари, сув ҳамда газ таъминотининг ходимлари ана шу энг муҳим воситаларни, тежаб ишлатиш ускуналарини жорий этиш тажрибаси ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Улар Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига қарашли «Газавтоматика» акциonерлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар билан танишишди. Ушбу корхонада дастлабки асбоб-ускуналар шу йилнинг ўзида ишлаб чиқарила бошланади.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### БОШ ВАЗИРНИ НЕГА АЙБЛАШМОҚДА?

*Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг сиёсий мухолифлари уни йирик ишбилармон С. К. Жайнлар хонадонидан пора олганликда айбламоқда. Бош вазирнинг ўзи эса ушбу айбни қатъиян рад этди. Нарасимха Раонинг вакили журналистлар билан учрашувда Бош вазирга нисбатан айтилаётган мазкур фикрлар ҳеч қандай асосга эга эмас, деди. Бош вазирнинг порахўрликка алоқадор эмаслигини марказий қидирув бюроси ҳам тасдиқламоқда.*

*Ҳозир макразий қидирув бюроси давлатнинг юқори мансабларида ишлаётган 7 кишини жами 650 миллион рупий пора олганликда гумон қилмоқда. Ушбу жанжал туфайли ҳатто ҳукуматнинг учта вазири истеъфо беришга ҳам мажбур бўлди.*

### ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

***Свазиленд давлатида иш ташлашлар туфайли вазият кескинлашди. 23 январь куни Африканинг жанубидаги кичик қироллликнинг пойтахти Мбабане ва йирик саноат шаҳри Манзинида намойишчилар билан полиция ўртасида қаттиқ тўқнашув юз берди. Натижада бир неча киши қаттиқ жароҳат олган.***

***Намойишчиларга мамлакат касаба уюшмалари федерацияси йўлбошчилари раҳбарлик қилмоқда. Улар халқ демократик бирлиги ҳаракати билан биргаликда ҳукуматдан мамлакат конституциясига ўзгартиш киритиш ва сиёсий партиялар фаолиятига рухсат этилишини талаб этмоқда.***

### ЁРДАМ БЕРИШМОҚЧИ, ЛЕКИН...

*АҚШ Шимолий Кореяга кўрсатаётган озиқ-овқат ёрдамини кўпайтиришга тайёр, деди АҚШ давлат котибининг Шарқий Осиё ва Тинч уммони давлатлари бўйича ёрдамчиси Уинстон Лорд.*

*АҚШ дипломати Шимолий Кореядаги «озиқ-овқат танглигини» Япония ва Жанубия Корея ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўринбосарлари билан Гонолулуда бўлиб ўтадиган уч кунлик мажлисда муҳокама этишни кўзда тутмоқда. Бироқ, маҳаллий мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу учрашувда бир қарорга келиш мушкул. Чунки Вашингтоннинг ҳам, Токио ва Сеулнинг ҳам Шимолий Кореяга ёрдам бериш борасидаги фикрлари бир-бирига зиддир.*

*БМТнинг бутун жаҳон озиқ-овқат дастури берган маълумотга кўра, Шимолий Корея аҳолиси йилига 6 миллион тонна дон истеъмол қилади. Ўтган йили юз берган кучли сув тошқинлари натижасида мамлакатда бор-йўғи 4,8 миллион тонна дон йиғиштириб олинган, холос.*

### ЯДРОВИЙ СИНОВНИНГ ОҚИБАТИ ЁМОН БЎЛАДИ

***АҚШ маъмурияти Ҳиндистон агар ядровий синовни амалга оширса, бу мамлакатга кўрсатаётган иқтисодий ва ҳарбий ёрдамини тўхтатиб қўйишини маълум қилди. Бундан ташқари, АҚШ жаҳон банкига ҳам таъсир этиб, Ҳиндистонни ҳар йили оладиган 2 миллиард доллар миқдоридаги ёрдамдан ҳам маҳрум этади. АҚШнинг Ҳиндистондаги элчисининг таъкидлашича, республикада ядро синовининг ўтказилиши Ҳиндистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир этиши мумкин.***

### ОММАВИЙ НАМОЙИШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

*Афғонистон пойтахти аҳолиси оммавий намойиш ўтказди. Улар мамлакатдаги «Толибон» мухолиф ҳаракати раҳбарларидан Кобулни қамал қилишни тўхтатиш ва Кобулга инсонпарварлик ёрдами юклари олиб келаётган автокарвонлар йўлини очишни қаттиқ талаб қилдилар.*

*Кейинги ҳафталар давомида БМТнинг озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотлари ортилган машиналарининг саноқлигина қисми Кобулга киритилган.*

### МОСТАРАДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

***Боснияда хорватлар ва мусулмонлар ўртасида Мостара шаҳри мақомини белгилаш мақсадида ўтказилган музокараларнинг иккинчи босқичи муваффақиятсиз якунланди.***

***Мостара шаҳри бундан уч йил муқаддам хорватлар ва мусулмонлар ўртасидаги қонли тўқнашув натижасида иккига бўлиниб қолган эди.***

***Европа иттифоқи маъмуриятининг Мостарадаги вакили музокаралар келишмовчилик руҳида ўтганини айтди.***

### МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

*АҚШнинг Мэриленд штати яқинидаги Квинстаун шаҳарчасида Сурия билан Исроил ўртасидаги музокаралар яна бошланди. Ушбу музокаралар ҳам аввалгилари каби АҚШ давлат департаментининг Яқин Шарқда тинчлик ишлари бўйича вакили Деннис Росс воситачилигида ўтмоқда.*

*Маълумотларга қараганда, музокаралар давомида икки томонлама муносабатларни барқарорлаштириш тўғрисида битим тузиш ва Исроил қўшинларини Жўлон тепаликларидан олиб чиқиш тартиби билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.*

*Музокаралар шу ойнинг охирига қадар давом этади.*

### ТАБИИЙ ОФАТ ҲУДУДИДАГИ ЧОРАЛАР

***АҚШ Президенти Билл Клинтон бу йилги қор бўрони натижасида жиддий зарар кўрган Коннектикут, Массачусетс ва Род-Айленд штатларини табиий офат ҳудуди, деб эълон қилди. Бу қарор ушбу штатлар маъмуриятларига фавқулодда ҳолатлар федерал агентлигидан кўчаларни қордан тозалаш учун керакли аслаҳаларни олишида ёрдам бериши мумкин.***

***Шу йилнинг 8 январида ушбу учта штатга 90 сантиметр қалинликда қор ёққанди. Бўрондан сўнг эса фақатгина асосий автомагистраллар қордан тозаланган эди.***

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

